

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслахат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3.Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳабибуллаев Ориф,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил изланувчиси

ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР

***For citation:** Orif Khabibullayev. About the military ranks applied in the turkic khaganate. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 50-56*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-06>

АННОТАЦИЯ

Мақолада турк хоқонлик бошқарувида амал қилган унвонлар таҳлил этилиб, уларни қадимги турк битиктошлари, хитой йилномалари, суғдий ва бақтрий тилли ҳужжатлар, арман, сурёний, араб ва форс манбаларига ҳамда нумизматик материаллари асосида атрофлича ўрганилди. Шунингдек, Турк хоқонлигида мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар инсон жасорати ҳамда фазили билан боғлиқ эпитетлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ёритилган.

Калит сўзлар: Турк хоқонлиги, бошқарув тизими, ҳарбий унвонлар, сифатлар, рутба ва даражалар, қадимги турк битиклари, хитой йилномалари, суғдий ва бақтрийча ҳужжатлар.

Ҳабибуллаев Ориф,
Научный сотрудник
Ташкентского государственного университета
узбекского языка и литературы.

О ВОИНСКИХ ЗВАНИЯХ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В ТЮРКСКОМ КАГАНАТЕ

АННОТАЦИЯ

В статье были проанализированы названия, действовавшие в Тюркском каганате

правления, а также подробно изучены древнетюркские битыкташи, китайские летописи, согдийские и бактрийские языковые документы, армянские, сирийские, арабские и персидские источники, а также нумизматические материалы. Кроме того, военные звания, присутствующие в турецком ханстве, были освещены в качестве отдельного исследовательского объекта эпитетов, связанных с мужеством и добродетелью человека.

Ключевые слова: Тюркский каганат, система управления, воинские звания, прилагательные, ранги и звания, древнетюркские Писания, китайские летописи, сухопутные и бактрийские документы.

Khabibullayev Orif,

Scientific researcher

Tashkent State University of Uzbek language and literature

ABOUT THE MILITARY RANKS APPLIED IN THE TURKIC KHAGANATE

ANNOTATION

The article analyzed the names of the Turkic Khaganate, as well as studied in detail the ancient Turkic bityktashi, Chinese Chronicles, Sogdian and Bactrian language documents, Armenian, Syrian, Arabic and Persian sources, as well as numismatic materials. In addition, the military ranks present in the Turkish khanate have been highlighted as a separate research object of epithets related to the courage and virtue of man.

Key words: Turkic Khaganate, management system, military ranks, adjectives, ranks and titles, ancient Turkic writings, Chinese Chronicles, land and Bactrian documents.

Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлар (Узоқ Шарқ, Жанубий Сибир, Мўғулистон, Шимолий Хитой, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимоли) да ўз ҳукмронлигини ўрнатган Турк хоқонлиги (552-744) минтақа халқлари тарихида алоҳида ўрин тутди. Бошқарув марказлари Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этаклари, Ўрхун водийси (Мўғулистон), Юлдуз водийси (Тяншаннинг шимоли / Шарқий Туркистон), Суяб (Еггисув), Жабғукат (Чоч воҳаси) бўлган ушбу салтанат Шарқий Турк хоқонлиги (552-630; 682-744) ва Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) каби иккита қанотдан ташкил топган эди. Ушбу хоқонликлар асосан ҳарбий жиҳатлар устуворлик қилган салтанат сифатида минтақа халқлари, хусусан, туркий халқлар давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан, мамлакатимизда чоп этилган тарихга оид нашрлар мисолида назар ташлаганимизда бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Турк хоқонлигининг асосчи уруғи бўлмиш Ашина турклари ўз давлатини барпо этишдан олдин Олтой тоғлари ва Мўғулистонда ҳукм сурган турк-мўғул-манжур негизларига эга Жуан-жуан хоқонлиги (V-VI асрлар) қўл остида бўлиб, Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этакларида ўзларининг Ябғулик бошқарувига эга эдилар. Жуан-жуанларга темир буюмлар (асосан, қурол-яроғлар) етиштириб бериш билан шуғулланган Ашина турклари асосан ушбу давлатда мавжуд бўлган бошқарув

тизимини ўзлаштирган ва қисқа муддат ичида минтақанинг йирик салтанатига айланган эди. Хусусан, хоқонлик бошқарувида амал қилган унвонлар тизимида ҳарбий унвонлар мисолида назар ташлар эканмиз бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ўрганилиш даражаси

Турк хоқонлигининг унвонлар тизими бирмунча ўрганилган бўлиб, хоқонлик тарихи билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтишган. Жумладан, XX асрнинг бошларида француз шарқшуноси Э. Шаванн, немис турколог Г. Дёрфер, Г. Й. Рамстедт, поляк О. Прицак, инглиз турколог Ж. Клосон, рус тарихчи ва турколог олимлари В.В. Бартольд, Н. Бернштам, Л. Н. Гумилев, Н. А. Баскаков, С. Г. Кляшторный, грузиялик турколог И. Н. Шервашидзе, қозоғистонлик хитойшунос Ю. А. Зуев, туркиялик тарихчи Б. Ўгел, италян турколог А. Бомбаци ва бошқалар хоқонлик тарихини турли масалаларини ёритиш мобайнида унвонлар масаласига бирмунча эътибор қаратишган.(Chavannes 1903). Яқин йилларда эса хоқонлик тарихини махсус ўрганаётган дунё тарихчи ва туркологлари тадқиқотларида ҳам қадимги туркий унвонларга бирмунча батафсилроқ тўхтаган туркиялик тарихчилардан А. Донук, Ф. Сумер, С. Гўмеч, И. Туғон, америкалик туркологлар П. Б. Голден, фин шарқшуноси В. Рибакки, рус тарихчи ва турколог В.В. Тишиннинг ишлари диққатга сазовордир [1]. Мамлакатимизда эса Ҳ. Дадабоев, Ғ. Бобоёров, А. Кубатинлар (Дадабаев 1990) қадимги туркий унвонлар масаласини ўрганиш мобайнида Турк хоқонлиги даврига алоҳида ўрин ажратганлар. Ушбу тадқиқотчилар асосий эътиборни хоқонликда қўлланилган унвонларни бирма-бир аниқлаб, уларнинг келиб чиқиши, бажарган функцияси ва луғавий маъносига қаратганлар. Айниқса, ўз тадқиқотларини яқин йилларда нашр қилдирган Ғ. Бобоёров ва А. Кубатинлар турли тиллардаги ёзма манбалар ва нумизматик материалларда сақланиб қолган хоқонликка оид унвонларни бирма-бир йиғиб, ушбу унвонлар тўғрисида ўзларидан олдин турколог ва тарихчи каби турли олимлар томонидан билирилган фикрларни таҳлил қилиб чиқишган. Айниқса, уларнинг исломдан олдинги суғдий тилли Чоч, Ўтрор, Фарғона, Суғд (Самарқанд, Панч) ва Тўхористон тангаларида ўрин олган "хоқон", "хотун", "жабғу", "жабғу-хоқон", "тегин", "элтабар", "тудун", "тутуқ", "тархон" каби қадимги туркий унвонларни Турк хоқонлиги билан боғлашлари диққатга сазовордир (Бобоёров 2010). Уларнинг фикрича, ушбу тангаларнинг сезиларли бир қисми Фарбий Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри тегишли бўлса, сезиларли бир қисми эса хоқонликка бевосита ва билвосита алоқадор туркий сулолаларга тегишлидир.

Турк хоқонлигининг унвонлар тизими бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай бу масаланинг ҳалигача ўз ечимини топмаган жиҳатлари мавжудлиги кўзга ташланади. Жумладан, айрим унвонлар гарчи ёзма манбаларда учраса-да, тадқиқотчилар назаридан четда қолганлиги, айрим унвонлар бўйича билдирилган фикрлар тўлақонли асосланмаганлиги каби. Шунингдек, Турк хоқонлигида қайси унвонларнинг айнан ҳарбийлик васфига эгаллиги масаласида ҳам бир қарорга келинмаган. Мисол учун қадимги турк битиктошларида учрайдиган "турғақ" унвони (User 2009) юқорида айтиб ўтилган тадқиқотларнинг кўпчилигида ўз аксини топмаган. Аслида ҳарбий васфга эга ушбу унвон луғавий жиҳатдан форсийча "миршаб" билан бирмунча мос бўлиб, тунда хоқон саройи ёки ўтовини муҳофаза қилувчи алоҳида ҳарбий гуруҳ вакилларига нисбатан қўлланилган. Шунингдек, битиктошларда "сипа" (той) шаклида учрайдиган ҳарбийликка

алоқадор атама[2, С.218] унвонларнинг таркибий бир қисми - эпитет (сифат) бўлганлиги масаласида ҳам муайян бир ечимга келинмаган. Шу ўринда айтиб кетиш керак, ушбу сўз ўрта асрларда тилимизга форсий тилдан ўзлашган "сипоҳ" сўзи билан ҳеч қандай алоқадор бўлмай, қадимги турклардага хос ҳайвон номларидан унвон ва сифат яшаш анъанаси билан боғлиқ. Яъни, тай "той", барс "қоплон", бўри, арслон, элик "кийик", бўғра "эркак туя" каби (Бобоёров, Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми 2012).

Ҳарбий унвон ва эпитетлар

Асосан, қадимги турк битиктошлари, хитой йилномалари, суғдий ва бақтрий тилли ҳужжатлар, арман, сурёний, араб ва форс манбаларига ҳамда нумизматик материалларда сақланиб қолган қадимги туркий унвонлар орасида ҳарбий унвонлар кўпчиликти ташкил этади. Жумладан, Турк хоқонлигида мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар су—боши "лашкарбоши, қўмондон", чабиш "қўшин нозими", сангун "генерал", тутуқ "ҳарбий волий", апа—тархон "бош қўмондон", кул—эркин / кул—чўр "қўмондон", урунгу "байроқдор жангчи", йелма ери "илғор қўшин жангчиси", алпағут "алп / жасур жангчилар боши", бинг—боши "мингбоши", бешюз—боши, юз—боши, ўн—боши ва ҳоказо кабилардан ташкил топган эди[3, С. 129-142]. Шунингдек, хоқонлик бошқарувида унвонлар олдида келувчи ўнлаб сифат / даража (эпитет)лар амалда бўлиб, улар орасида арслон, барс, бўри, бўғра, тўнга "қоплон" каби кучли ҳайвонлар номидан ясалган ва алп, баҳодур, билга "доно", бўғу "закий", кул / кулуг "машҳур", себиг "севиқли", қутлуғ ва ҳоказо инсон жасорати ҳамда фазилати билан боғлиқ эпитетлар алоҳида ажралиб турган [4, С. 132-134].

Турк хоқонлигида қўлланилган унвонлар тўғрисида асосан хитой йилномалари ва қадимги турк битиктошларида нисбатан батафсилроқ маълумотлар сақланиб қолган. Хитой йилномаларида келтирилган қуйидаги қайдларга кўра "хитой йилномаларида "У (турк)ларнинг унвонлари ябғу, шад, тегин. Ушбу унвонларга хоқоннинг ўғли, оға-инилари ва бошқарувчи хонадон аъзолари эга бўлишади. Эркин, кул—чўр, йенхунта?, элтабар, тудун, ссу—чин ва бошқа лавозимларга ҳамма тайинланиши мумкин" эди[5, С. 107]. Қадимги турк битиктошлардан Билга хоқон тилидан унинг шарафига ўрнатилган ёдгорликда учрайдиган қуйидаги жумлалардаги "Тангридек Тангри яратган Турк Билга хоқон сўзим: отам Турк Билга хоқон тахтга ўтирганида содиқ турк беглари, ғарбдаги Тардушбеглари, кул—чўр бошчилигидаги (бутун) шадапит беглар, шарқдаги Тўлас беглари, апа—тархон бошчилигидаги (бутун) шадапит беглар, атаман—тархон, Тунюқуқ бўйла баға—тархон ва буйруқ (вазир)лар, ич буйруқ (хосса вазирлари) себиг кул—эркин бошчилигидаги (бутун) буйруқлар. Бунча содиқ беклар отам хоқонга бениҳоя олқиш ва ифтихорда (?) бўлдилар. (Отам хоқон ҳам) турк бекларини ва халқини бениҳоя олқишлади ва фахрланди"[6, С. 78-81] хоқонликнинг бошқарувчи тоифаси айнан қандай ҳолатда хоқон атрофида тизилганидан дарак беради.

Ушбу маълумотлардан кўринадик, Турк хоқонлиги бошқарувида фақатгина хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига тегишли олий даражадаги "хоқон", "ябғу", "шад" ва "тегин" унвонлари ҳамда хонадондан бўлмаган амалдорлар қўлланидиган юқори мавқедаги унвонлар сифатида иккига бўлинган. Улар орасида ҳарбий унвонга эгалари бошқарувда юқори мавқеда бўлиб, айниқса бу юқорида битиктошлардан келтирилган маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга.

Куйида Турк хоқонлигида қўлланилган ҳарбий унвонларнинг айримлари билан нисбатан шартлироқ бўлса-да, уларнинг хоқонлик бошқарув иерархиясидаги даражаси бўйича танишиб чиқамиз:

Сўз боши - қадимги туркча *su* "қўшин" ва *bası* "боши, бошлиғи" сўзларидан ташкил топган ва лашкарбоши маъносида қўлланилиб, хоқонликнинг ҳарбий масалаларини ҳал этувчи лавозим эгаси сифатида билинган.

Апа-тархон - қадимги туркча апа "аждод, ота" ва тарқан "тархон, катта имтиёзга эга амалдор" сўзларидан ташкил топиб, битиктошларда бошвазир Тунюқуқ (682-726) билан боғлиқ равишда учрайди. Битиклар мазмунидан ушбу унвон Тунюқуқнинг асосий унвонларидан бири бўлган ва у бир муддан хоқонликнинг бош қўмондони сифатида бўлган.

Чабиш - қадимги туркча *çar-* "чопмоқ, чопқин ясамоқ" феълидан ясалган деб ҳисобланувчи ушбу унвонни Маҳмуд Кошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асарида "жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи одам" шаклида таърифлайди [7, S. 349].

Сангун - Турк хоқонлиги бошқарувида хитойлардан ўзаштирилган ушбу унвон хитойча *сян-гун* "генерал" сўзидан олинган бўлиб, хоқонлик бошқарувида нисбатан кам тарқалган эди. Буни биров қуйидаг қўриб ўтадиганимиздек битиктошлар ва хитой манбаларида сангун унвонига нисбатан кўл-эркин, кўл-чўр каби соф туркий унвонларнинг учраши ҳам тасдиқлайди.

Бинга-боши / *минг-боши - қадимги туркча бинг "минг" сўзидан ясалган ушбу унвон баъзи тадқиқотчилар томонидан *biŋa bašī* "авангард (илғор қўшин) бошлиғи" сифатида изоҳланади [8, С. 81-83]. Бироқ уни ўрта асрларда туркий сулолаларда кенг қўлланилган "мингбоши" унвони билан тенглаштириш маъқулроқ. Турк хоқонлигида қўшинлар ўнлик тизими - ўнлик, юзлик ва минглик таркиблар асосида тузилганлигини эътиборга оладиган бўлсак бу фикрда жон бор қўринади.

Тутуқ - бўйсундирилган бирор ўлка ёки вилоят бошқарувида тайинланган ҳарбий ноиб (волий). Ушбу унвонни айрим тадқиқотчилар қадимги туркча *тут-* "тутмоқ, тутиб турмоқ" феълидан шаклланган сўз сифатида қарашса, айрим тадқиқотчилар уни хитойча *ду-ду* "ҳарбий волий" атамаси билан таққослайдилар ва хоқонликка ўзлашган деб ҳисоблайдилар (Ecsedy 1965).

Атаман-тархон- қадимги туркча ата "ота, аждод" ва ман (сифат ясовчи қўшимча) асосида ясалган эпитет. Ушбу эпитет "тархон" унвонига қўшилиб ишлатилиб муайян унвон яратилган. Уни айрим тадқиқотчилар таман-тархон шаклида берсалар, айримлар эса "Туман тархон" шаклида беришган [9, Б. 132]. Ўрта асрларда бир қатор славян халқларида ҳарбий бошлиқларга нисбатан қўлланилган атаман унвони ҳам келиб чиқиш жиҳатидан ушбу қадимги туркча эпитетга бориб тақалади.

Кул-чўр - қадимги туркча *kül* "кул (ўчоқ)" ва *çor* "ҳарбий бўлинма бошлиғи" сўзлари билан алоқали ҳисобланадиган ушбу унвонни хоқонлик бошқарувида катта мавқега эга ҳарбий амалдорлар эгаллашган. Кул сўзи аслида "ўчоқ таги - кул эгаси", яъни "ворис, меросхўр" маъноларига эга бўлган қўринади [1, С. 143-147].

Кул-эркин-қадимги туркча "кул" (ўчоқ таги - кул эгаси) маъносидаги ибора ва "эркин" (бирор қабила бошқарувидаги ҳарбий вакил) маъносидаги атамалардан ташкил топган.

Шу ўринда тархон унвонининг бажарган функцияси ва манбаларда қай

ҳолатда учрашидан келиб чиқилса, ушбу унвоннинг чўр ва эркин унвонлари билан мавқеи тенг ёки нисбий даражада фарқли бўлган, деган фикрга бориш мумкин. Боиси, чўр ва эркин каби асосан ҳарбий унвонлар қаторида жой олган бўлса, вассал ҳукмдорликлар бошқарувида асосий бошқарувчининг эмас, нисбатан кичик ҳукмдорлик (аниқроғи ҳокимлик)нинг бошқарган амалдорнинг унвони сифатида учраши бу фикрга асос беради. Ҳар учала унвонни деярли тенг ёки параллел унвонлар деб ҳисоблаш учун эса ҳоқонликнинг марказий бошқаруви ва қанот амалдорлари унвони тилга олинар экан шаклида бир тартибга тизилиши асос беради[11, С. 121].

Шунингдек, юқорида қисқача келтириб ўтганимиздек, Турк ҳоқонлиги бошқарувида унвонлар олдида келувчи ўнлаб сифат / даража (эпитет)лар амалда бўлиб, улар орасида арслон, барс, бўри, бўғра, тўнга "қоплон" каби кучли ҳайвонлар номидан ясалган ва алп, баҳодур, билга "доно", бўғу "закий", кул / кулуг "машҳур", себиг "севикли", қутлуг ва ҳоказо инсон жасорати ҳамда фазилати билан боғлиқ эпитетлар мавжуд бўлиб, улар ҳоқонлик бошқарувида қўлланилган унвонлар билан биргаликда келганда ўзаро даража фарқини кўрсатишда қўлланилгандек кўринади. Масалан, Баҳодур-ҳоқон, Алп-ҳоқон, Билга-ҳоқон, Қутлуг-ҳоқон ёки Арслон-тархон, Кул-тархон, Қутлуг-тархон каби. Хусусан, хитой роҳиб Сяан Цзан ўз саёҳати давомида Фарбий турк ҳоқонининг қўшинлари сафида жой олган 200 га яқин ҳарбий бошлиқларнинг тархон деб аталиши ҳақида маълумот бериб, унга йўлбошловчилик қилиш учун тайинланган ҳоқонлик жангчисига Ябғу—ҳоқон томонидан мо—ду да—ган (ботур/баҳодур—тархон) унвони берилганини таъкидлайди[12, С. 263-265].

Афтидан Турк ҳоқонлиги иерархиясида энг фаол қўлланилган алп, билга, баҳодур, кул эпитетлари ҳоқонлик жамиятида шахснинг жангларида кўрсатган қаҳрамонликларига қараб берилган кўринади. Чунончи, алп ва баҳодур сўзлари луғавий жиҳатдан қадимги туркчада "жасур, кучли" маъноларида бўлиб [13, С. 80], кўпинча ҳоқонлик бошқарувида олий унвонлар олдида келиши баробарида, тудун каби нисбатан кичик унвонга қўшилиб келган ҳоллар ҳам учрайди [14, С. 57-59]. Кул эпитети эса "шон, шуҳрат, овоза, доврүк" маъноларидаги қадимги туркча ку сўзидан шаклланган бўлиб, унинг кули, кулуг "шон—шуҳратли, донгдор" каби вариантлари ҳам учрайди. Ж. Клоусон эса кул атамасини унвон, кулуг атамасини эса "машҳур" маъносидagi сифат, деб қарайди [15, Р. 517]. Бироқ, хитой манбаларида чжо (чўр) унвони билан бирга, унинг олдида келувчи эпитетнинг цюй—лу (кулуг) шаклида берилиши, битиктошларда эса фақат кул—чўр вариантынинг учраши кулуг ва кул атамаларнинг бир бўлганлигини кўрсатади.

Хулоса

Турк ҳоқонлиги унвонлар тизимида ҳарбий унвонлар мисолида қисқача назар ташлаш шундан дарак берадики, ҳоқонлик ҳарбий васфга эга давлат сифатида ўз бошқарувида ўнлаб унвон ва эпитет (сифат)ларни жорий қилган. Ҳоқонлик бошқарувида мансаб ва лавозим номларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда юзга яқин унвон ва эпитетлар мавжуд бўлиб, уларнинг деярли ярми ҳарбий васфга эга бўлган. Ҳоқонликда ҳарбий иш ва мудофаа тизимини ташкил этиш муайян унвонларга эга ҳарбий амалдорлар орқали амалга оширилиб, улар эга бўлган унвон ва эпитетлар орқали ўзаро мавқе ва мақом жиҳатидан фарқланишган. Жангларида кўрсатган жасорати туфайли ҳар бир ҳарбийнинг рутба ва даражаси ошиб борган. Ҳарбийларга нисбатан барс, арслон, бўри каби кучли ҳайвонлар

номи эпитет қилиб берилиши баробарида билга "доно, закий", себиг "севибли", қутлуғ сингари сифатларнинг қўшилиши қадимги турк жамиятида ҳарбийларнинг нафақат кучли ва эпчил бўлиши, балки ақлий жиҳатдан ҳам заковатли бўлиши тақазо этилганини кўрсатади. Шунингдек, ҳарбий унвон ва эпитетлар асосан туркий тил асосида шаклланган бўлиб, бу эса хоқонлик жамиятида ушбу тилнинг ўрни ва аҳамияти юқори бўлганидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Golden P. B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden, 1992; Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers in Old Turkic Inscriptions // CAJ. – Wiesbaden, 2000. – No 44. – P. 205–292; Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 2–60; Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar//Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 129–142; Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmamış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008; Тишин В.В. Историография социальной истории Тюркского каганата V-VIII вв. – Автореферат дисс. на соискание ученой степени канд. ист. наук. – Москва, 2015.ü
2. User Ş. H. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya: Kömen Yayınları, 2009. – S. 218, 278
3. Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar//Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 129–142
4. Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Т.:Yangı nash, 2016. – С. 132-134.
5. Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 2003. – S. 107
6. Tekin T. Orhon Yazıtları. Kül Tigin, Bilge Kağan, Tunyukuk. – İstanbul: Yıldız Yayınları, 2003. – S. 78-81
7. Kaşgarlı M. Divanü Lügat-it Türk Tercümesi. Cilt I-IV. Çev. B. Atalay. – Ankara: TDK, 1985. Cilt I. – S. 349
8. Шервашидзе И. Н. Фрагмент древнетюркской лексики. Титулатура // Вопросы языкознания. – Москва, 1990. – № 3. – С. 81-83.
9. Абдурамонов ў., Рустамов А. Жадимги туркий тил. – Т.: Ёитувчи, 1982. – Б. 132
10. Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Т.:Yangı nash, 2016. – С. 143-147.
11. Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Т.:Yangı nash, 2016. – С. 121.
12. Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы, Дайк-пресс, 2002. – С. 263-265
13. Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк / Пер. А.М. Ауэзовой, индексы С. Эрмерса. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 80, 172.
14. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). – Т., 2007. – С. 57, 59.
15. Clauson G. An Etymological Dictionary of the Pre-Thirteen-Century Turkish. – Oxford, 1972. – P. 517.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000